

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБИНИ АМАЛГА ОШИРИШИ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги конуччиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчи билдирти тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар хисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин газ тэъминотни ташкилотининг хисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний хисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалти ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойна туғандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортқича олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлитини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқалор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича хисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортқича ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган мулдатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мулдатни ўтган ҳар бир кун учун мулдатни ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин мулдатни ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида,  
д) мазкуршартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг“Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- форс-мажор ҳолатлар;
- магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчиИстеъмолчига мулдатни ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мулдатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи мулдатни ўтган ҳар бир кун учун мулдатни ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ мулдатни ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

#### IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларта онд шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодақлайди ва қафоқлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафоқлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш мулдати лавомнда у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

#### X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни сулҳанча ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишлисуда мурожаат қилишга ҳақлидир.